



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRLOGI  
BUYRÍGÍ**

2«avgust»2023 jil.

629-A/F-san

Nókis qalası

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил  
2 августдаги 03/1000-A/F-сон буйруғи ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 2 августдаги “Спортнинг камондан отиш тури бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубогини ўтказиш тўғрисида”ги 03/1000-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 1 августдаги 03/1000-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Спортнинг камондан отиш тури бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) 2023 йил 11-16 сентябрь кунлари Андижон вилояти, Андижон шаҳрида ўтказилиши инобатга олинсин.

3. Мусобақада иштирок этадиган жамоа аъзоларини сафар харажатлари сафарга юборувчи ташкилот томонидан қоплансин.

4. Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи (**А.Темирбаев**), Ўзбекистон камондан отиш федерацияси Қорақалпоғистон бўлими ижрочи директори (**Б.Хожамуратов**)лар билан биргаликда:

а) ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикасининг терма жамоаси иштирокини таъминлаш вазифаси юклатилсин;

5 Ахборот хизмати (**А.Пиряров**)га:

мусобақанинг ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга тавсия этиш ҳамда вазирликнинг ижтимоий тармоқларга жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси етакчи мутахассиси (**Б.Толыбаев**)га:

мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров